

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВА КАМИЛА ШАЯХМЕТОВНА

**ЎСИМЛИК КОМПОЗИЦИЯСИ АСОСИДА ГЕПАТОПРОТЕКТОР
ВОСИТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Мухитдинова Камила Шаяхметовна

Ўсимлик композицияси асосида гепатопротектор воситасини ишлаб

чиқиш ва стандартлаш..... 3

Мухитдинова Камила Шаяхметовна

Разработка и стандартизация гепатопротекторного средства на основе

растительной композиции21

Mukhitdinova Kamila Shayahmetovna

Development and standardization of a hepatoprotective agent based on

a plant composition39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Last of published works43

МУХИТДИНОВА КАМИЛА ШАЯХМЕТОВНА

**ЎСИМЛИК КОМПОЗИЦИЯСИ АСОСИДА ГЕПАТОПРОТЕКТОР
ВОСИТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.PhD/Far57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Убайдуллаев Кудратилла Асатиллаевич кимё фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар	Урманова Флюра Фаридовна фармацевтика фанлари доктори, профессор
	Нишанбаев Собир Зарипбоевич кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази» ДУК

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: www.info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, г. Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, жигар хасталиги инсоният ўлими сабабларининг дастлабки йигирматалиги рўйхатига киради ва алкогольсиз ёғли жигар хасталигининг (АЁЖК) катта ёшдаги беморлар орасида тарқалиши 25,2% ташкил этиб, глобал муаммолардан бирига айланмоқда. Шунинг учун жигар касалликларини даволаш учун қўлланиладиган дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ўсимлик хомашёларидан биологик фаол моддаларни тежамкор, замонавий усуллар ёрдамида ажратиб олиш, уларни стандартлаш ҳамда сифат назоратини амалга оширишга қаратилган тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Бу борада, жигар ҳасталликларида қўллаш учун флавоноид ва глицирризин кислота сақловчи маҳаллий доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажралиб чиқиш кинетикасига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, ишлаб чиқилган дори шакллари юқори самарали суяқлик хроматографияси ва спектрофотометрия замонавий физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиш, ушбу усулларни тўғрилиқ, спецификлиги, такрорланувчанлик, чизиклик, қўлланилиш диапазони каби кўрсаткичлар бўйича валидациялаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида фармацевтика саноатига янги технологияларни жорий қилиш йўли билан жадал ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳаллий дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш, замонавий ва юқори сезгирликка эга физик-кимёвий таҳлил усулларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши бўйича «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббий профилактика муассасаларини арзон ва самарали дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу борада исботланган терапевтик самарадорликка эга, биологик фаоллиги юқори бўлган дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш, уларни сифат меъёрларини ҳалқаро талабларга мувофиқ белгилаш ҳамда стандартлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фанини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимлик хомашёси асосида олинган гепатопротектор таъсирига эга бўлган дори воситаларининг ишлаб чиқиш ва стандартлаш борасидаги Х.Х.Халматов, Т.П.Пулатова, С.И.Искандаров, Х.У.Алиев, А.Я.Ибрагимов, Х.М.Комилов, Ф.Ф.Урманова, С.Н.Аминов, У.М.Азизов, А.Қ.Саидвалиев, Қ.А.Убайдуллаев, В.Н.Абдуллабекова каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ўсимликлар хомашёси асосида олинган препаратлар таркибидаги биологик фаол моддаларни ўрганиш ва стандартлаш бўйича тадқиқотларни олиб борган қуйидаги олимларнинг илмий изланишлари диққатга сазовор: S.K.Asrani, H.Devarbhavi, J.Eaton, P.S.Kamath, A.A.Mokdad, A.D.Lopez, S.Shahraz, R.Lozano, A.H.Mokdad, J.Stanaway, L.S.Eriksson, R.Olsson, H.Glauman, B.Fromenty, A.Berson, D.Pessayre, M.Hendrickse, E.Rigney, M.H.Giaffer, M.M.Kaplan, N.Kaplowitz, M.F.Lacerda, J.Ludwig, E.R.Dickson, И.Л.Убеева, Л.А.Шпагина, О.Н.Герасименко, С.В.Бобров, С.В.Оковитый, Н.Н.Безбородкина, С.Г.Улейчик, С.Н.Шуленин, А.О.Буеверов, М.В.Егоров, В.И.Литвиненко, А.В.Лебедев, Ж.И.Румянцева.

Мазкур диссертация иши илк бор маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида олинган янги гепатопротектор таъсирга эга экстрактлар ва уларнинг асосидаги биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш бўйича биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №1. «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ўсимлик хомашёсидан гепатопротектор таъсирига эга бўлган экстракт ва унинг асосида биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаштириш усулларини назарий ва экспериментал асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суяқ ва қуруқ экстракт ҳамда улар асосида биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш;

экстрактлардаги биологик фаол моддаларининг таҳлил усулларини асослаш;

экстрактлар таркибида биологик фаол моддаларнинг чинлиги ва миқдорини аниқлаш усулларини асослаш;

олинган экстрактларни ва биологик фаол қўшимчаларни стандартлаш;

қўлланилган таҳлил усулларни валидациялаш;

олинган препаратларни фармакологик таъсирини ва гепатопротектор самарадорлигини аниқлаш;

меъёрий техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш (ВФМ, ТС, ТИ).

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Гепифит» суяқ экстракти, «Гепатен» қуруқ экстракти ва қобиқ билан қопланган таблетка шаклидаги биологик фаол қўшимча «Гепатен» олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хомашёдан олинган экстрактларни ва улар асосидаги биологик фаол қўшимчаларни стандартлаш, сифатини назорат қилиш усулларни ишлаб чиқиш, СФ ва ЮССХ аналитик услубларни валидациялашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда юқори самарали суяқлик ва газ суяқлик хроматографиялари, спектрофотометрия таҳлил усуллари, фармакологик ва микробиологик усуллар ҳамда замонавий компьютер дастурлари қўлланилган. Аналитик усулларни валидациясини ICH (International Council for Harmonisation) Topic Q 2 (R1) «Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology» тавсияларига мувофиқ аналитик жараёнлар учун валидация кўрсаткичлари, хусусан усулнинг спецификлиги, тўғрилиги, чизиқлилиги ва қайтарувчанлиги каби мезонлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Гепифит» суяқ экстракти, «Гепатен» қуруқ экстракти ва «Гепатен» қобиқ билан қопланган таблеткалар таркибидаги биологик фаол моддалар сифатини назорат қилиш усуллари: флавоноидлар йиғиндиси кверцетинга қайта ҳисобланди ва глицирризин кислотасининг миқдорий таҳлил усули ишлаб чиқилган;

экстрактлар ва улар асосидаги биологик фаол қўшимчаларнинг сифатини назорат қилишнинг юқори самарали суяқлик хроматографияси ва спектрофотометрия усуллари ишлаб чиқилган;

объект сифатида қўлланилган дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар учун таклиф этилган миқдорий таҳлил усуллари ICH Topic Q 2 (R1) «Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology» талаблари бўйича валидация қилинган;

«Гепифит» суюқ экстракт ва «Гепатен» таблеткаларнинг фармакологик синовлари ўтказилиб, гепатопротекторлик фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

суюқ ва қуруқ экстрактлар ва улар асосидаги биологик фаол қўшимчалар амалдаги Давлат Фармакопеясининг XI нашри ва ЎзР ВМ 2016 йил 27 октябрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Дори воситалари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламент»ида келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ стандартланган;

суюқ ва қуруқ экстракт ҳамда биологик фаол қўшимчанинг турғунлиги узоқ муддатли табиий усулда аниқланган;

«Гепифит» суюқ экстракти, «Гепатен» биологик фаол қўшимчалари учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги даражаси замонавий математик, статистик, физик-кимёвий ва фармакологик усуллардан фойдаланилганлиги билан тасдиқланган. Олинган натижалар амалиётда ва саноат миқёсида синаб кўрилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида гепатопротектор таъсири бўйича хорижий аналоглардан кам бўлмаган экстрактлар ва таблетка шаклидаги биологик фаол қўшимчаларнинг сифатини белгилаш учун юқори самарали суюқлик хроматографияси ва спектрофотометрия усуллари ёрдамида меъёрлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда таҳлил усуллари чизиқлилиги, аниқлик, тўғрилиги спецификлиги ва қайтарилувчанлиги каби кўрсаткичлар бўйича валидацияланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Гепифит» суюқ экстракти, «Гепатен» қуруқ экстракти ва «Гепатен» қобик билан қопланган таблеткалар иқтисодий жиҳатдан устун бўлган, безарар, самарали дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар сифатида тиббиёт амалиётига тавсия қилиниб, саноатда ишлаб чиқаришга татбиқ этилган ҳамда аҳоли эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсимлик композицияси асосида гепатопротектор воситасини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Гепатен» қуруқ экстракти учун вақтинча фармакопея мақола лойиҳаси ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат Маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати; «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКнинг 2020 йил 15 октябрдаги №29/01-408-сон хати).

Натижада ушбу фармакопея мақоласининг тасдиқланиши жигар касалликларини даволаш учун дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар учун субстанция ишлаб чиқиш имконини беради;

«Гепифит» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар тасдиқланган (TS 25368758-001:2017) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 25368758-001:2017). Натижада “Pharm Quality Systems” МЧЖда гепатопротектор таъсирга эга бўлган «Гепифит» биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Гепатен» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар тасдиқланган (TS 25368758-001:2018) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 25368758-001:2018). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида жигар хасталликларида қўлланиладиган биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республикада ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертациянинг **«Ўсимликдан олинган дори препаратларнинг ҳозирги ҳолати ва уларни станлартлаштириш»** мавзусига оид биринчи бобида, адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган бўлиб, бунда гепатопротектор таъсирга эга бўлган дори воситаларининг таснифланиши,

ҳамда танлаб олинган ўсимликлар ҳақида қисқача маълумот келтирилган. Экстракция жараёнининг асосий қоидалари ва стандартлаштиришда ёндашув кўрсатилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларда қўлланилган усуллар ва дастабки хомашёлар» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, таҳлил усуллари, илмий изланиш ишларида ишлатилган асбоб ускуналар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кўп компонентли гепатопротектор воситасини ишлаб чиқиш ва ўрганиш» мавзусидаги учинчи боби суяқ ва қуруқ экстракт, ҳамда қобик билан қопланган таблеткаларни ишлаб чиқишга бағишланган. Олинган натижаларга асосланиб тадқиқот объектлари танланди ва 1, 2 жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Олинган экстрактларнинг таркиби

Композициянинг таркиби	«Гепафит» суяқ экстракти	«Гепатен» қуруқ экстракти
<i>Фаол моддалар</i>		
Қизилмия илдизи	6,6 г	33,3%
Далачой ўти	6,6 г	33,3%
Маккажўхори попуғи	6,6 г	33,3%
Ёрдамчи моддалар		
30% этил спирти	100 мл гача	-

2-жадвал

«Гепатен» таблеткалар таркиби


Таркиб	Микдори, мг
Қуруқ экстракт	120
МКЦ	200
Картошка крахмали	19
Магния стеарат	1
Гидроксипропилцеллюлоза	16
Поливинилпирролидон	1,8
Тальк	0,8
Титана диоксид	1,4
Этил спирти 80%	д.к.

Суяқ экстракт “”Гепафит” ва қуруқ экстракт “Гепатен”, ҳамда қобик билан қопланган “Гепатен” таблеткаларнинг олиниш технологик схемалари, технологик босқичлари ва асосий жараён параметрлари ишлаб чиқилган.

Тўртинчи ««Гепифит» суюқ экстрактини стандартлаш» мавзусидаги бобида суюқ экстракт таркибидаги биологик фаол моддалар (чинлиги), спирт миқдори, қуруқ қолдиқ, оғир металл миқдори, микробиологик тозаллиги ва миқдорий таҳлил усуллари келтирилган.


Биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини аниқлаш СФ ва ЮССХ усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Суюқ экстракт таркибидаги флавоноидларни аниқлаш учун спектрофотометрия усули танланди. 1-расмдан кўриниб турибдики, суюқ экстракт эритмасининг спектрнинг ютилиш максимуми кверцетиннинг ишчи стандарт намунасининг 422 ± 1 нм тўлқин узунлигида ютилиш максимумига тўғри келади. Бу ҳолат суюқ экстрактда флавоноидлар борлигини исботлайди.




Расм 1. Экстракт эритмаси ва кверцетин ишчи стандарт эритмасини AlCl_3 эритмаси билан ўзаро таъсирлашганидан кейинги ютилиш спектрлар. 1 – кверцетин эритмаси, 2 – текширилувчи намуна (экстракт).


Глицирризин кислотасини (ГК) сифат таҳлили учун ЮССХ усули қўлланилди. ГКси сифат таҳлилини исботлаш учун текширилувчи намунанинг ушланиш вақти чўққиси билан ишчи стандарт намуна (ИСН) чўққиси солиштирилди. Ушланиш вақти хослиги 2 – 5 расмларда келтирилган.




Расм 2. Экстракт эритмасининг хроматограммаси.



Расм 3. Гепифит экстрактининг хроматограммаси



Расм 4. Глицирризин кислотасининг ишчи стандарт намунасининг хроматограммаси.



Расм 5. Глицирризин кислота ишчи стандарт намунаси (кўк чизик) ва Гепафит экстракти (қизил чизик) бирлашган хроматограммалари.

Суяқ экстракт таркибидаги флавоноидларнинг йиғиндиси миқдорий таҳлили СФ усули билан олиб борилди. Олинган натижаларнинг метрологик характеристикаси 3- жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Флавоноидлар йиғиндисининг миқдорий таҳлил натижаларининг метрологик характеристикаси

Олинган натижалар										
X_i	0,0569	0,0572	0,0572	0,0563	0,0576					
Метрологик характеристика										
n	f	P (%)	t (P, f)	\bar{X}	S ²	S	$\Delta \bar{X}$	$\bar{\varepsilon}, \%$	ОСО	
5	4	95	2,78	0,057	$2,3 \cdot 10^{-7}$	$4,83 \cdot 10^{-4}$	$6 \cdot 10^{-4}$	1,05	0,85	

Глицирризин кислотасини (ГК) миқдорини аниқлаш учун ЮССХ усул билан олиб борилди. Олинган натижаларнинг метрологик характеристикаси 4 жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Глицирризин кислотасининг миқдорий таҳлил натижаларининг метрологик характеристикаси

Олинган натижалар										
X_i	0,3027	0,2979	0,3003	0,2958	0,2997					
Метрологик характеристикаси										
n	f	P (%)	t (P, f)	\bar{X}	S ²	S	$\Delta \bar{X}$	$\bar{\varepsilon}, \%$	ОСО	
5	4	95	2,78	0,299	$6,7 \cdot 10^{-6}$	$2,6 \cdot 10^{-3}$	$3,2 \cdot 10^{-3}$	1,07	0,87	

ICH талабларига мувофиқ биологик фаол моддаларни миқдорини аниқлаш усуллари валидацияланди. Олинган натижалар жадвал 5 ва 6 да келтирилган.

**«Гепафит» суюқ экстракт таркибидаги флавоноидларни
миқдорини аниқлаш усуби валидацияси натижалари**

Мезон	Меъёр	Натижа
Спецификлик	Текширилувчи эритма спектри стандарт намуна эритмасининг спектрига тўғри келиши ва ютилиш максимуми бир хил бўлиши керак	Текширилувчи эритма спектри стандарт намуна эритмасининг спектрига тўғри ва ютилиш максимуми бир хил бўлиб, 422 нм тенг.
Чизиқлилик	Корреляция коэффиценти $ r \geq 0,99$	$y = 0,0038x + 0,0132$ $R^2 = 0,9989$
Диапазон	$\pm 20\%$ белгиланган таркиб қийматидан	0,0125% дан 0,2% гача
Прецизионлик, RSD	3% дан кўп эмас	$\pm 1,521\%$
Тўғрилиқ, RSD	3% дан кўп эмас	$\pm 0,917\%$

Жадвалда келтирилган натижалар флавоноидларни аниқлаш услубини тўғри ва қайтарувчанлигини кўрсатди.

**«Гепафит» суюқ экстракт таркибидаги ГК ни миқдорини аниқлаш
услубини валидация натижалари**

Мезон	Меъёр	Натижа
Спецификлик	Текширилувчи намуна эритмасининг ГК чўққисини ушланиш вақти ишчи стандарт эритмасининг ГК чўққисининг ушланиш вақтига мос келиши керак.	Текширилувчи намуна эритмасининг ГК чўққисини ушланиш вақти ишчи стандарт эритмасининг ГК чўққисининг ушланиш вақтига мос келади.
Чизиқлилик	Корреляция коэффиценти $ r \geq 0,99$	$y = 0,0026x + 0,0025$ $R^2 = 0,9999$
Диапазон	$\pm 20\%$ белгиланган таркиб қийматидан	0,0625% дан 1,0% гача
Прецизионлик, RSD	3% дан кўп эмас	$\pm 1,746\%$
Тўғрилиқ, RSD	3% дан кўп эмас	$\pm 0,928\%$

Шундай қилиб, ГК миқдорини аниқлаш услуби тўғри ва қайтарувчанлиги исботланди ва МХ га киритилиши мумкин.

Сууюк экстрактни қолган кўрсаткичлари ҳам аниқланди. Олинган натижалар сууюк экстракт учун тузилган спецификацияда келтирилган (7 жадвал).

7 -жадвал

«Гепифит» сууюк экстракти спецификацияси

Кўрсаткичларни номи	Талаб	Аниқлаш усуллари
Тасвирланиши	Тиниқ, қизил-жигар рангдан жигар ранггача бўлган сууюқлик . Ширин, хушбўй ҳидли, ёқимли таъмли.	Визуал
Чинлиги	Текширилувчи эритма УБ-спектри ишчи стандарт эритма УБ-спектрига тўғри келиши керак.	СФ
	Текширилувчи намуна эритмасини хроматограммасида ГК нинг ушланиш вақти ГК нинг ишчи стандарт эритмасига мос келиши керак.	ЮССХ
Оғир металллар	0,001%дан ошмаслиги керак	ДФ XI, нашр 1, б.165
Спирт миқдори	25% дан кам эмас	ДФ XI, нашр.1, б.26. ГСХ
Микробиологик тозалиги	1 мл препаратда умумий бактериялар сонидан 10^4 , умумий замбуруғлар сонидан $2 \cdot 10^2$, 10^2 энтеробактериядан ва бошқа грамманфий бактериялардан кўп бўлмаган миқдорда. 1 мл препаратда <i>Escherichia coli</i> , <i>Pseudomonas aeruginosa</i> ва <i>Staphylococcus aureus</i> бўлмаслиги лозим. 10 мл препаратда <i>Salmonella</i> бўлмаслиги керак.	ДФ XI 2 нашр б.193 Ўзгартириш №2 12.10.2005 й.
Миқдорий таҳлил	Флавоноидларнинг миқдори 0,05% дан кам бўлмаслиги керак.	СФ
	ГКнинг миқдори 0,35% дан кам бўлмаслиги керак.	ЮССХ

«Гепифит» сууюк экстрактни барқарорлигини ўрганиш ва сақлаш муддатини белгилаш учун тажрибалар табиий шароитда ва узоқ муддат мобайнида амалга оширилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, табиий шароитда сақланган «Гепифит» сууюк экстракти 2 йил давомида хусусиятларини ва сифат кўрсаткичларини ўзгартирмайди.

««Гепатен» қуруқ экстракти ва қобиқ билан қопланган таблеткаларни стандартлаштириш» деб номланган 5-бобда қуруқ экстракт

ва унинг асосида олинган таблеткаларнинг стандартизацияси келтирилган. Стандартлаштириш учун юқорида келтирилган услублардан фойдаланилди. Сууюк экстракт таркибидаги биологик фаол моддаларни ДФ га мувофиқ СФ ва ЮССХ усуллар билан аниқланди. «Гепатен» куруқ экстракти ва таблеткалардаги флавоноидлар ва ГК миқдорини аниқлаш услублари ишлаб чиқилди ва валидацияланди. МХга киритиш мақсади билан «Гепатен» куруқ экстракти ва таблеткалар сифат меъёрлари аниқланди. Натижалар 8-13 жадвалларда келтирилган.

8-жадвал

Флавоноидлар йиғиндиси миқдорий таҳлил натижаларининг метрологик тавсифи

Куруқ экстрактни аниқлаш натижалари									
X _i	0,1911	0,1895	0,1930	0,1875	0,1920				
Метрологик тавсифи									
n	f	P (%)	t (P, f)	\bar{X}	S ²	S	$\Delta \bar{X}$	$\bar{\varepsilon}$, %	ОСО
5	4	95	2,78	0,191	4,7*10 ⁻⁶	2,17*10 ⁻³	2,7*10 ⁻³	1,41	1,14
«Гепатен» таблеткаларидаги флавоноидлар йиғиндиси миқдори									
X _i	0,1856	0,1890	0,1883	0,1862	0,1841				
Метрологик тавсифи									
n	f	P (%)	t (P, f)	\bar{X}	S ²	S	$\Delta \bar{X}$	$\bar{\varepsilon}$, %	ОСО
5	4	95	2,78	0,187	4,04*10 ⁻⁶	2,01*10 ⁻³	2,5*10 ⁻³	1,34	1,08

9-жадвал

Глицирризин кислотаси миқдорий таҳлил натижаларининг метрологик тавсифи

Куруқ экстрактни аниқлаш натижалари									
X _i	21 137,438	20 868,303	20 412,844	20 889,006	20 392,142				
Метрологик тавсифи									
n	F	P (%)	t (P, f)	\bar{X}	S ²	S	$\Delta \bar{X}$	$\bar{\varepsilon}$, %	ОСО
5	4	95	2,78	20 739,95	1,06*10 ⁵	3,26*10 ²	4,05*10 ²	1,95	1,57
«Гепатен» таблеткаларидаги ГКни миқдори									
X _i	6 956,101	7 052,714	7 011,308	6 907,795	6 907,795				
Метрологик тавсифи									
n	F	P (%)	t (P, f)	\bar{X}	S ²	S	$\Delta \bar{X}$	$\bar{\varepsilon}$, %	ОСО
5	4	95	2,78	6 967,14	4,11*10 ³	6,41*10 ¹	7,96*10 ¹	1,14	0,92

**«Гепатен» қуруқ экстракт ва таблеткалар таркибидаги флавоноидлар
йиғиндиси миқдорини аниқлаш услуби валидация натижалари**

Мезон	Меъёр	Қуруқ экстракт	«Гепатен» таблеткалар
Спецификлик	Текширилувчи эритма спектри стандарт намуна эритмасининг спектрига тўғри келиши ва ютилиш максимуми бир хил бўлиши керак	Текширилувчи эритма спектри стандарт намуна эритмасининг спектрига тўғри ва ютилиш максимуми бир хил бўлиб, 422 нм тенг.	Текширилувчи эритма спектри стандарт намуна эритмасининг спектрига тўғри ва ютилиш максимуми бир хил бўлиб, 422 нм тенг.
Чизиқлилик	Корреляция коэффициенти $ r \geq 0,99$	$y = 0,00181x + 0,01118$ $R^2 = 0,99663$	$y = 0,0019x + 0,0013$ $R^2 = 0,9998$
Диапазон	$\pm 20\%$ белгиланган таркиб қийматидан	0,0480% дан 2,24% гача	0,404% дан 6,464% гача
Прецизионлик, RSD	3% дан кўп эмас	$\pm 0,997\%$	$\pm 0,865\%$
Тўғрилиқ, RSD	3% дан кўп эмас	$\pm 1,084\%$	$\pm 0,939\%$

**«Гепатен» қуруқ экстракт ва таблеткалар таркибидаги ГК
миқдорини аниқлаш услуби валидация натижалари**

Мезон	Меъёр	Қуруқ экстракт	«Гепатен» таблеткалар
Спецификлик	Текширилувчи намуна эритмасининг ГК чўққисини ушланиш вақти ишчи стандарт эритмасининг ГК чўққисининг ушланиш вақтига мос келиши керак.	Текширилувчи намуна эритмасининг ГК чўққисини ушланиш вақти ишчи стандарт эритмасининг ГК чўққисининг ушланиш вақтига мос келади.	Текширилувчи намуна эритмасининг ГК чўққисини ушланиш вақти ишчи стандарт эритмасининг ГК чўққисининг ушланиш вақтига мос келади.
Чизиқлилик	Корреляция	$y = 238,95x +$	$y = 67,499x +$

Мезон	Меъёр	Қурук экстракт	«Гепатен» таблеткалар
	коэффициенти $ r \geq 0,99$	2407,8 $R^2 = 0,996$	72,697 $R^2 = 0,9977$
Диапазон	$\pm 20\%$ белгиланган қийматидан	0,57% дан 8,91% гача	0,1858дан 3,0250 гача
Прецизионлик, RSD	3% дан кўп эмас	$\pm 1,711\%$	$\pm 1,788\%$
Тўғрилиқ, RSD	3% 3% дан кўп	$\pm 0,847\%$	$\pm 1,008\%$

12-жадвал

«Гепатен» қурук экстракти спецификацияси

№	Кўрсаткичларни номи	Талаб	Аниқлаш усуллари
1	Тасвирланиши	Аморф кукун, қаймоқ-жигар рангли, ширин таъмли.	Визуал
2	Чинлиги	Текширилувчи эритма УБ- спектри ишчи стандарт эритма УБ-спектрига тўғри келиши керак.	СФ
		Текширилувчи наъмуна эритмасини хроматограммасида ГК нинг ушланиш вақти ГК нинг ишчи стандарт эритмасига мос келиши керак.	ЮССХ
3	Оғир металллар	0,001% дан кўп эмас	ДФ Х1 нашр 1, б.165
4	Қурутгандан кейинги масса йўқолиши	3,1% - 5,2%	ДФ Х1 нашр 1, с.176
5	Микробиологик тозалиги	1 г препаратда 10^4 умумий аэроб бактериалар сонидан, $2 \cdot 10^2$ умумий замбуруғлар сонидан, 10^2 энтеробактериялар сонидан ва бошқа грамманфий бактериалардан кўп бўлмаган ҳолда. Escherichia coli, Pseudomonas aeruginosa, Staphylococcus aureus ва Salmonella бўлмаслиги керак.	ДФ Х1 2 нашр б.193 Ўзгартириш №2 2005 йил 3.2. тоифа
6	Миқдорий таҳлил	Флавоноидларнинг миқдори 0,45% кам бўлмаслиги керак.	СФ

		ГК миқдори 3,15% кам бўлмаслиги керак.	ЮССХ
--	--	---	------

13-жадвал

«Гепатен» таблеткаси спецификацияси

№	Кўрсаткичларни номи	Талаб	Аниқлаш усуллари
1	Тасвирланиши	Юмалоқ, икки томонлама қабарик юзаси текис оқ ёки кулранг-оқ таблеткалар	Визуал
2	Чинлиги	Текширилувчи эритма УБ-спектри ишчи стандарт эритма УБ-спектрига тўғри келиши керак.	СФ
		Текширилувчи намуна эритмасини хроматограммасида ГК нинг ушланиш вақти ГК нинг ишчи стандарт эритмасига мос келиши керак.	ЮССХ
3	Таблеткаларнинг ўртача оғирлиги	Таблеткаларнинг ўртача оғирлиги 360 мг бўлиши керак. Ўртача оғирликдан оғиши $\pm 3\%$ чегарасида бўлиши керак.	Гравиметрик
4	Парчаланиши	20 дақиқадан кўп эмас.	Парчаланиш тести
5	Микробиологик тозаллиги	1,0 г препаратда аэроб бактериаларнинг умумий сонидан 1000 дан, умумий замбуруғлар 100 дан ошмаган ҳолда бўлиши, ҳамда <i>Escherichia coli</i> . бўлмаслиги лозим.	ДФ XI 2 нашр б.193
6	Миқдорий таҳлил	Флавоноидларнинг миқдори 0,15% дан кам бўлмаслиги керак.	СФ
		ГК миқдори 1,05% кам бўлмаслиги керак.	ЮССХ

Қуруқ экстракт ва таблеткаларнинг яроқлилик муддати аниқланиб, 2 йил деб белгиланди.

Қуруқ экстракт ва таблеткаларнинг барқарорлигини ўрганиш ва яроқлилик муддатини белгилаш учун табиий шароитда узоқ муддат давомида сақлаш усули бўйича амалга оширилди. Бунинг учун таблеткалар қуруқ, қоронғи жойда, тўқ сариқ рангли тиқинлар билан беркитилган шиша идишларда хона ҳароратида сақланди. Сифатини назорат қилиш сақлаш

вақтининг ҳар 6 ойда асосий кўрсаткичларини аниқлаш билан олиб борилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, узоқ муддатли сақлаш шароитида барқарорлик 2 йил сақланиб туради.

ХУЛОСАЛАР

1. Назарий ва амалий тадқиқотлар асосида Ўзбекистон фармацевтика бозори ўрганилиб, гепатопротектор воситалар асортименти таҳлил қилиниб, ўсимликлардан олинган дори препаратларга бўлган талаб ва улар асосида замонавий дори препаратларни яратиш объектлари белгиланди.

2. Илк маротоба тешик далачай, маккажўхори ва қизилмия ўсимликлари асосида гепатопротектор таъсирга эга суюқ ва қуруқ экстракт, ҳамда таблеткалар кўринишидаги биологик фаол қўшимчалар тавсия этилди.

3. Экстрактлар ва таблеткалар таркибидаги биологик фаол моддаларни миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрия ва юқори самарали суюқлик хроматография усуллари олинган натижалар бўйича валидацияланди ва таклиф қилинди.

4. «Гепафит» суюқ экстракти ва «Гепатен» қуруқ экстрактини белгиланган талаблар асосида стандартлаштириш усуллари таклиф этилди ҳамда таблетка кўринишидаги биологик фаол қўшимчаларнинг сифат меъёрлари белгиланди.

5. «Гепафит» ва «Гепатен» биологик фаол қўшимчалар учун Техник шартлар (TS 25368758-001:2017, TS 25368758-001:2018) ва Технологик йўриқномалар (ТИ 25368758-001:2017, ТИ 25368758-001:2018) тасдиқланди ҳамда ишлаб чиқаришга рухсат этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МУХИТДИНОВА КАМИЛА ШАЯХМЕТОВНА

**РАЗРАБОТКА И СТАНДАРТИЗАЦИЯ ГЕПАТОПРОТЕКТОРНОГО
СРЕДСТВА НА ОСНОВЕ РАСТИТЕЛЬНОЙ КОМПОЗИЦИИ**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2019.4.PhD/Far57.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:	Убайдуллаев Кудратилла Асатиллаевич кандидат химических наук, профессор
Официальные оппоненты	Урманова Флюра Фаридовна доктор фармацевтических наук, профессор
	Нишонбоев Собир Зарипбоевич кандидат химических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	ГУП "Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники" при МЗ РУ

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: www.info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ___) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года
(Реестр протокола № ___ от «___» _____ 2021 года)

К.С. Ризаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С. Кариева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

Ф.Ф. Урманова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения заболевания печени входят в первую двадцатку основных причин смертности человечества, также глобальная распространенность неалкогольной жировой болезни печени (НЖБ) среди взрослых пациентов составляет 25,2%. Поэтому важную значимость свидетельствует разработка и стандартизация лекарственных средств и биологически активных добавок, используемых для лечения заболеваний печени.

Во всем мире ведутся научные исследования по выделению биологически активных веществ из растительного сырья экономичными и современными методами, их стандартизации также проведению контроля качества. В связи с этим ведутся научные исследования по приоритетным направлениям такими как изучение факторов влияющих на кинетику высвобождения биологически активных веществ из местных лекарственных растений, содержащих флавоноиды и глицирризиновую кислоту, проведение анализа лекарственных форм современными физико-химическими методами такими, как высокоэффективная жидкостная хроматография и спектрофотометрия, валидация данных методов по показателям правильность, специфичность, воспроизводимость, линейность, диапазон применения.

В результате проводимых в нашей республике реформ проводятся научные исследования для стремительного развития фармацевтической отрасли за счет внедрения новых технологий, расширения ассортимента импортозамещающих местных препаратов и биологически активных добавок, совершенствования современных и высокочувствительных физико-химических методов анализа. В четвертом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах были определены такие важные задачи, как "...дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, совершенствование обеспечения населения и лечебно-профилактических учреждений дешевыми и эффективными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения..."¹. В связи с этим важно решить вопросы, связанные с разработкой лекарственных препаратов и биологически активных добавок, обладающих высокой терапевтической эффективностью, простотой применения, установлением их норм качества и стандартизацией

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019-2021 годах», Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года

фармацевтического образования и науки», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В сфере разработки и стандартизации лекарственных средств на основе растительного сырья гепатопротекторного действия важное значение имеют научные исследования таких узбекских ученых, как Х.Х.Халматов, Т.П.Пулатова, С.И.Искандаров, Х.У.Алиев., А.Я.Ибрагимов, Х.М.Комилов, Ф.Ф.Урманова, С.Н.Аминов, У.М.Азизов, А.Қ.Саидвалиев, Қ.А.Убайдуллаев, В.Н.Абдуллабекова.

В мировой практике значимы научные исследования по разработке препаратов на основе растительного сырья, изучению и стандартизации биологически активных веществ проведенные следующими учеными: S.K.Asrani, H.Devarbhavi, J.Eaton, P.S.Kamath, A.A.Mokdad, A.D.Lopez, S.Shahraz, R.Lozano, A.H.Mokdad, J.Stanaway, L.S.Eriksson, R.Olsson, H.Glauman, B.Fromenty, A.Berson, D.Pessayre, M.Hendrickse, E.Rigney, M.H.Giaffer, M.M.Kaplan, N.Kaplowitz, M.F.Lacerda, J.Ludwig, E.R.Dickson, И.Л.Убеева, Л.А.Шпагина, О.Н.Герасименко, С.В.Бобров, С.В.Оковитый, Н. Н.Безбородкина, С. Г.Улейчик, С. Н.Шуленин, А.О.Буеверов, М.В.Егоров, В.И.Литвиненко, А.В.Лебедев, Ж.И.Румянцева.

Настоящая диссертационная работа является первым научным исследованием по разработке, контролю качества и стандартизации новых экстрактов и биологически активных добавок гепатопротекторного действия на основе растительной композиции из местного растительного сырья.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами, высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского Фармацевтического Института №1. «Разработка оригинальных лекарственных средств на основе местных лекарственных растений и координационных соединений и их применение в медицинской практике».

